
Мендирман ўша...

□Бугун шаҳримиздаги 11 - сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида шаҳар ҳокимлиги, Мудофаа ишлари бўлими ва шаҳар ХТБ ҳамкорлигида "Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

14 январь - "Ватан ҳимоячилари куни" олдидан ташкил этилган ушбу тадбирда Қуролли кучлар фахрийлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Шарқий ҳарбий округ қўмондони ўринбосари полковник Ш.Абдуллаев меҳмон сифатида тақлиф этилди.

Унда Ватан ва юрт қадри ҳамда уни эъзозлаш ҳақида сўз бориши билан бирга шаҳар ҳокими Р.Раҳимжонов томонидан Ватанимиз мудофа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва давлатимиз чегараларини даҳилсизлигини ҳимоя қилишда кўрсатган хизматлари учун бир гуруҳ ҳарбийлар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Қувасой (<https://t.me/joinchat/SCwRyt1HiefDWYqU>) шаҳар (<https://t.me/joinchat/SCwRyt1HiefDWYqU>) ҳокимлиги (<https://t.me/joinchat/SCwRyt1HiefDWYqU>)

<https://t.me/joinchat/SCwRyt1HiefDWYqU>

2021-01-13 19:14:12